

СЕМИОТИК БИЛИМЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Василахон Хамдамова

Тадқиқотчи, Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7183927>

Атрофимиздаги борлиқни англашда олам унсурлари онгимизда образлар орқали акс этади ҳамда онгимизда гавдаланган унсурлар тилимизда муайян белгилар воситасида ифодаланади. Ҳаётимизда учраган турли-туман белгилар орқали биз маълум ахборотларни оламиз. Ҳар қандай ахборотнинг моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади. Белги тушунчаси фалсафа, мантиқ, тилшунослик, психологияда муҳим ўрин тутди. Антик даврда Платон, Аристотел, XVII-XVIII асрларда Ж.Локк, Г.В.Лейбниц белгининг гносеологик функцияларига катта эътибор беради. XIX асрда тилшунослик ва математик мантиқ белгини тадқиқ қилишда янгиликлар олиб кирди. XIX аср охирига қадар белги назарияси билан, асосан, файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала рухшуносларнинг ҳам диққатини жалб қила бошлади. Белги назариясининг вужудга келишида қадимги Грецияда эпикурийлар ва айниқса стоикларнинг хизмати катта бўлди. Бу икки фалсафий мактаб вакиллари гарчи турли мақсадларни ўз олдига қўйган бўлсалар ҳам, лекин бевосита кузатишда берилган ҳодисалар билан сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган моҳиятлар ўртасидаги ассоциатив алоқани ўрганишга асосий эътиборни қаратишда умумийликка эга бўлдилар. Масалан, бадан ҳаракати рух белгиси сифатида, юзнинг қизариши уялиш белгиси, тана титроғи касаллик белгиси сифатида қаралади. Шундай қилиб, грекларнинг белги назарияси семеиотике номи билан тарқалди.

XVIII аср охирларида инглиз олими Ж.Локк греклар томонидан кўпроқ медицинага нисбатан қўлланилган семеиотике атамасини инглиз фалсафасига олиб кирди ҳамда унинг томонидан илмий триада деб ҳисобланган мантиқ, физика ва этика доирасида қўлланилди. Унинг фикрича, семиотиканинг мақсади нарсаларни тушунишда бу нарсалар ҳақида ҳосил бўлган билимни бошқаларга узатишда хизмат қиладиган белгилар табиатини ўрганишдан иборатдир.

Файласуфлар таъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағишланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошлади. В.Гумболт, Шлейхер, Штейнтал, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуен-де

Куртене, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгили табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан семиология фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Унинг ҳамма қирраларини ҳисобга олган ҳолда, Ю.С.Маслов шундай таъриф беради: “Белги – бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир”.

Семиотика терминига махсус адабиётларда шундай таъриф берилади: Семиотика – (юнонча семеион – белги, ишора) 1) ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси; 2) у ёки бу объектнинг 1-маънодаги семиотика нуқтаи назаридан ўрганиладиган тизими (масалан, муайян филм ёки бадиий асар семиотикаси, муайян халқдаги муомала-мурожаат семиотикаси ва бошқалар).

Семиотиканинг белгилар ҳақидаги фан сифатида асосий принциплари ва хусусиятлари дастлаб америкалик мантиқшунос Ч.С.Пирс ва швейцариялик тилшунос Ф.де Соссюр асарларида бир вақтнинг ўзида ва мустақил равишда қайд этилган. Швейцариялик тилшунос Ф.де Соссюр тилга нисбатан “тушунчаларни ифодаловчи белгилар системасидир”, деб таъриф берган эди. Ушбу тушунча учун Ч.С.Пирс “Семиотика” терминини, Ф.де Соссюр эса “Семиология” терминини қўллайди. Семиотика ғояси кейинчалик америкалик файласуф Ч.У.Морриснинг 1938-йилда яратилган “Белгилар назариясининг асослари” асарида тартибга солинади ва ривожлантирилади.

Семиотика нуқтаи назаридан тил – белгилар системаси, у моддий бойликлар, яъни товушлардан ташкил топади. Семиотика белгиларнинг табиати, моҳияти, кўринишлари, амал қилишини ўрганади. Лингвистик семиотикадаги асосий тушунча лисоний белги бўлиб, у муайян матнлардаги ва муомала вазиятидаги шакл ва мазмуннинг диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади.

Белгилар инсон томонидан маълум бир ахборотни бошқаларга етказиш учун ишлатилади. Шунинг учун улар коммуникация воситаси саналади.

Сўзловчи белгилар орқали тингловчига маълум ахборотни етказиш билан бирга унга эмоционал-экспрессив таъсир этишни ҳам мақсад қилиб қўяди. Демак, белги мазмунида кўпинча сўзловчининг модал муносабати ҳам акс этади. Масалан, эмоқ билан ғажимоқ сўзи ўртасидаги фарқ сўзловчининг

эмоционал баҳоси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидадир. Емоқ сўзида эмоционал-экспрессивлик йўқ, ғажимоқ сўзида эса сўзловчининг салбий баҳоси мавжуд. Ғажимоқ сўзи емоқ билан семантик ва сигматик томондан умумийликни ташкил қилса, эмоционал баҳо муносабатининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан эса бир-биридан фарқ қилади. Лингвистик белги ифодалаган бундай муносабат прагматик муносабат, ана шундай муносабатни ўрганувчи соҳа прагматика ҳисобланади.

“Прагматика” (юнеча прагма – иш, ҳаракат) аслида фалсафий тушунча. Прагматика Сократдан олдинги даврларда қўлланган. Кейинчалик уни Ж.Локк, Э.Кант каби файласуфлар Аристотелдан ўзлаштирган. Шу тариқа фалсафада прагматизм оқими вужудга келган. Бу оқим XIX-XX асрларда тараққий топади. Прагматизм ғоялари XX асрнинг 20-30 йилларида кенг тарғиб қилинган. Ч.Пирс, Р.Карнап, Ч.Моррис, Л.Витгенштейнлар Америка ва Европада бу тарғиботнинг кенг ёйилишида муҳим рол ўйнаган. Прагматикани семиотиканинг алоҳида соҳаси сифатида қараш ҳақидаги фикрни биринчилардан бўлиб Ч.Моррис билдирган эди.

Фалсафий прагматизм йўналишининг асосчиларидан бири Чарлз Сандерс Пирс биринчилардан бўлиб белги назарияси доирасида коммуникатив фаолият субъекти омилини инобатга олишни айтади. Ч.Пирснинг фикрича, белгининг муносабат майдони уч йўналишдан иборат:

- Белги – репрезентамен, бирор нарсанинг ўрнини алмаштирувчи моддий кўринишга эга бўлган восита;
- Идрок этувчининг онгидан ўрин олган ва белгининг тавсифини берувчи восита – интерпретанта;
- Белгида акс топаётган объект

Г.Г.Почепсов “прагматик хусусиятлар кўплаб, қатор қўлланишлар маҳсули сифатида юзага келади ва мавжуд бўлади”, деб қайд этган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, лисоний бирликлар бирор-бир аниқ мулоқот вазиятида фаоллашгандагина прагматик таҳлил объектига айланиши мумкин.

References:

1. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. - Тошкент., 2013.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент., 2008.
3. Маҳмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари //Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. №2.
4. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. – Тошкент., 2008.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5-жилд. – Тошкент., 2006

Интернет манбалари

6. Звегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968.
7. Маслов Ю. С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками?- В кн. Язык и мышление . М., 1967.
8. Почепцов Г.Г. О месте прагматического элемента в лингвистическом описании // прагматические и семантические аспекты синтаксиса. – Калинин.
9. Себеок. Г. А. "Семиотика" и родственные термины/ / ВЯ. 1973, №6.
10. Маслов Ю. С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками?- В кн. Язык и мышление •. М., 1967.
11. Степанов Ю.С., Семиотика, М., 1971.

Бадий манбалар

12. Ғафур Ғулом. Шум бола. – Тошкент., 2017.